

**“МИТАН ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ  
ЙИҒИЛИШИ  
2-СОН БАЁННОМАСИ**

**Самарқанд вилояти, Иштихон тумани,  
Митан қурғони.**

**2024 йил 11-сентябрь**

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Митан қурғони, “Митан пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **09:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **09:55**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **10:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорларовозларнинг умумий сони -315 914 дона.

“Митан пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият кузатув кенгашининг 2024 йил 19 августда қабул қилинган қарорига мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана-2024 йил 7 сентябрь.

Жамият кузатув кенгаши аъзоси Мурадуллаев Ғолиб йиғилиш раёсатини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Мурадуллаев Ғолиб- “Самарқандпахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссияси аъзоси, кузатув кенгаши аъзоси;

2. Абсаламов Бахтиёр- жамият акциядори;

3. Қаландарова Рамила- жамият акциядори;

Йиғилиш раёсати аъзоси Абсаламов Бахтиёр малака ва тажрибага эга бўлган “Самарқандпахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссия аъзоси Мурадуллаев Ғолибни йиғилишда раислик қилувчи этиб ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати мутахассиси Файзиева Навотни йиғилиш котиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилишда раислик қилувчи этиб Мурадуллаев Ғолиб ва йиғилиш котиби этиб Файзиева Навот сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Мурадуллаев Ғолиб йиғилишни очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш қворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси Бахриев Эркага берди.

Санок комиссияси ахбороти:

“Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси” УК томонидан 2024 йил 7 сентябрь ҳолатига шакллантирилган “Митан пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун **477** та акциядорга тегишли **315 914** дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда **247 528** дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган саккиз нафар акциядор (унинг вакилари) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг **78.3 %** ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (қворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:  
Тожиев Бегали-жамият бош директори;  
Мавлонов Хусниддин-бош ҳисобчи;

Йиғилишда раислик қилувчи Мурадуллаев Ғолиб йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги “Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-103-сон Фармони ижроси тўғрисида.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

### **КУНТАРТИБИ:**

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Мурадуллаев Ғолиб сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2024 йил 19 августдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати мутахассиси Файзиева Навот, жамият ҳуқуқшуноси Мухаммадиев Фахриддин ҳамда жамият ҳисобчиси Бахриев Эрка номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” –247 528 та овоз билан 100%; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ; Бекор қилинган овоз- йўқ.**

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибдасанок комиссияси тасдиқлансин:
  - 1) Мухаммадиев Фахриддин;
  - 2) Бахриев Эрка;
  - 3) Файзиева Навот.

**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Мурадуллаев Ғолиб сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 3 та масала кўрсатилганлигини маъруза учун 20 (йигирма) дақиқа, муҳокама ва мунозаралар учун 15 (ўн беш) дақиқа ҳамда санақ комиссияси иши учун 20 (йигирма) дақиқа, жами 55 дақиқа вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” –247 528 та овоз билан 100%; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ; Бекор қилинган овоз- йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги учинчи масала бўйича** Йиғилишда раислик қилувчи Мурадуллаев Ғолиб ўз сўзида жамият бош директори Б.Тожиевга берди.

Б.Тожиев кун тартибидаги масала бўйича қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги “Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-103-сон Фармонининг 4-бандида қуйидагилар белгиланган:

а) бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотиб олинган ва сотиб олиш қийматининг 35 фоизи ва ундан юқори қисми тўланган пахта тозалаш заводлари ва пахта қабул қилиш масканларини (кейинги ўринларда мулкый мажмуа) жалб этиладиган кредит бўйича мулкый мажмуа сифатида гаровга қўйишга рухсат бериш. Бунда:

мулкый мажмуаларни сотиб олиш бўйича тўловларнинг қолган қисмини амалга ошириш таъминоти сифатида суғурта компаниясининг тўловни амалга оширмаслик суғурта полиси ва (ёки) учинчи шахс кафилиги ёхуд бошқа банк кафолати тақдим этилади;

кредит қарздорлиги ҳисобига мулкый мажмуалар гаров мулки сифатида тижорат банклари тасарруфига ўтказилганда, мулкый мажмуани савдоларга чиқариш уларнинг фаолият турларини сақлаб қолиш шarti билан амалга оширилади;

б) тугатилаётган “Ўзпахтасаноат” АЖнинг мулкый мажмуаларини сотиб олиш бўйича кластерлар билан тузилган олди-сотди шартномаларида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддатини бир йилга узайтириш.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 сентябрдаги 744-сон қарорига асосан “Митан пахта тозалаш” АЖ (пахта тозалаш заводи) бино иншоатлари “**Мароқанд сифат текстил**” МЧЖга 5 йил муддатга бўлиб тўлаш шarti билан 2020 йил 30 августда тузилган 3008/20 сонли шартнома бўйича **19 612 790,0 минг сўмга** (ҚҚС билан) сотилган.

“Мароқанд сифат текстил” МЧЖ томонидан шартномага мувофиқ 01.09.2024 йил ҳолатига 14 958 796,0 минг.сўм ёки **76,3 фоизи** тўланган, график бўйича қолган туловлар миқдори 4 653 994,0 минг сўмни ташкил қилиб, муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмаслигини маълум қилди.

Сунг жамият бош директори Фармон ижроси юзасидан бажарилган ишлар юзасидан маълумот берди, Жумладан:

- “Митан пахта тозалаш” АЖ томонидан 2024 йил 5 сентябрда 35-сонли хат билан “Мароқанд сифат текстил” МЧЖга мурожат этилган. (хат илова қилинмоқда).

-“Мароқанд сифат текстил” МЧЖ ҳам 2024 йил 6-сентябрдаги 107-сонли мурожаатида билан “Митан пахта тозалаш”АЖнинг мулкый мажмуаларини сотиб олиш бўйича “Мароқанд сифат текстил” МЧЖ билан 2020 йил 30 августда тузилган 3008/20сонли шартномага кўра тўлов графиги бўйича қолган туловлар муддатини узайтирилишини сураб мурожат этган; (Хат илова қилинмоқда).

- “Мароқанд сифат текстил” МЧЖ ва “Митан пахта тозалаш” АЖ уртасида 2020 йил 30 августда тузилган 3008/20-сонли олди-сотди шартноманинг 2-иловасида белгиланган тўлов графиги бўйича қолган туловлар муддатини узайтириш, яъни 2024 йил учун туловлари муддати узайтирилиши ҳамда 2025 йилга белгиланган туловлар 2025-2026 йилларга мутаносиб равишда таксимланган ҳолда 2024 йил 9 сентябр куни тузилган 09/24-сонли «Қушимча келишув» билан йиғилиш катнашчиларини таништирди.

Кун тартибидаги масала бўйича, акциядорлардан фикр мулоҳазалари сўралди.

Акциядорлар ўртасида ушбу масала кенг муҳокама қилинди.

Йиғилиш раиси акциядорлардан мазкур таклиф юзасидан муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” –247 528 та овоз билан 100%; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ; Бекор қилинган овоз- йўқ.**

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қилади:

1. **Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги “Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-103-сон Фармонининг 4-банди ижро учун қабул қилинсин.**

2. **“Митан пахта тозалаш” АЖ ва “Мароқанд сифат текстил” МЧЖ уртасида 2020 йил 30 августда тузилган 3008/20-сонли олди-сотди шартноманинг 2-иловасида белгиланган тўлов графиги бўйича қолган туловлар қисми, яъни 2024 йил учун туловлари муддати узайтирилиши ҳамда 2025 йилга белгиланган туловлар 2025-2026 йилларга мутаносиб равишда таксимланган ҳолда 2024 йилнинг 9 сентябр куни тузилган 09/24-сонли қўшимча келишуви тасдиқлансин.**

3. **“Митан пахта тозалаш” АЖ бош директори Б.Тожиевга:**

**-“Митан пахта тозалаш” АЖ ва “Мароқанд сифат текстил” МЧЖ уртасида 2020 йил 30 августда тузилган 3008/20-сонли олди-сотди шартноманинг 2-иловасига 2024 йилнинг 9 сентябр куни тузилган 09/24-сонли қўшимча келишуви тулов графиклари асосида туловларнинг амалга оширилишини таъминлаш.**

**- Мазкур йиғилиш қарори ва унга тегишли бўлган ҳужжатлар нусхаларини «Самарқандпахтасаноат» ХАБ ва «Узпахтасаноат» АЖ тугатиш бўйича Лойиха офисига тақдим этилиши юклатилсин.**

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Мурадуллаев Ғолиб акциядорларга уларнинг иштироқи учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

**Йиғилиш раиси: / \_\_\_\_\_ / Мурадуллаев Ғолиб**

**Йиғилиш котиби: / \_\_\_\_\_ / Файзиева Навот**

Йиғилиш баённомаси 2024 йил \_\_\_ сентябр куни икки нусхада тузилди.

